

Шеробод тумани ҳокими Зайнобиддин Халилов хорижий давлатлардаги ёшлар билан видео чат орқали мулоқот қилди



Ушбу видео чатда миграцияда бўлиб турган ёшлар иштирок этишди. Шунингдек, туман ҳокими Давлатимиз томонидан ёшларга берилаётган имкониятлар, бугунги кунда ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан улар томонидан билдирилган таклифларни қўллаб-қувватланиши маълум қилинди.

Хорижда юрган фуқароларимизнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, режага мувофиқ доимий равишда шундай мулоқот қилиб бориш ва улар томонидан билдирилган таклифларни амалда ижро қилиш бўйича келишиб олинди. Шунингдек телеграм Канали ташкил этилди. Шу билан бирга хориждаги ёшлар сайловда фаол иштирок этишини билдиришди.